



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 43 (9.387) 2000 йил 12 апрель, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАМБАЛАРАНДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароғида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембскийни қабул қилди. Учрашувда меҳмон Ўзбекистон Президентини Россия Президенти вазифасини бажарувчи В. Путиннинг шахсий мактубини топширди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иккитомла муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика Пул-кредит сисъати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● Оролбўйи ҳудудидagi барча овул ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси кўни кенг ишонланди. Шу муносабат билан Нуқсда жамоатчилик вакилларининг тантални йиғилиши бўлиб ўтди.

● Олий Мажлисда «Нодавлат ташкилотлар бўйича қонунчилик: хорижий мамлакатлар тахрибаси» деб номланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Гулистонда миллий мафқурани шакллантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкентда миллий мафқурани шакллантиришга бағишланган йиғилишда Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ва уларни ҳаётга жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

● Андижон вилоятида «Андижон полипропилен» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси иш бошлади.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қурилиш ва саноат қурилиш материаллари мажмуи тизимидаги ҳужжали юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари иштирокида шартномавий муносабатларга бағишланган семинар-кенгаш бўлди.

● Бугун Тошкентда касб-хўнар таълими бўйича давлат таълими стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўз иштини ниҳоясига етказди.

● Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича Ҳўкумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● Навоий ва Гулистонда Навоий ҳамда Сирдарё вилоятларида иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг 2000 йил биринчи чорак янўллари ва иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ҳисоб-китоблар механизмининг тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақамлаш бўйича ҳўкумат комиссиясининг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Навоийда яна бир хайрий ишга қўл урилди: аждодлар ёдини абадийлаштириш мақсадига Навоий шаҳрида Хотира майдони қурилиши бошланди.

● Кеҗа Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида республика талабаларининг «Нўҳол — 2000» театр санъати фестивали очилди.

● Кеҗа Олимпия шон-шўхрати музейида жаҳон ва Олимпиаданинڭ икки марта чемпиони, «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, волейболчи Вера Дуюновани таваллуд кўни билан кўтлаш маросими ўтказилди.

● Бугун Тошкент Давлат циркида «Ешлар XXI асрга — гийвандларсиз» шорири остидаги икки кўнлик хайрия тадбири бошланади.

ЖАҲОНДА

● Бугун Беларусь Бош вазири В. Ермошин бир кўнлик ташриф билан Москвага келади. У Россия Президенти вазифасини бажарувчи В. Путин ва Россия ҳўкумати раисининг биринчи ўринбосари М. Касьянов билан музокаралар олиб боради.

● Бугун Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембский Бишкекка келади. У Қирғизистон Президенти Аскар Акаев билан унинг Москвага бўлажак ташрифини муҳокама қилади.

● Япониянинг янги Бош вазири Исиоро Мори Россиянинг яқинда сайланган Президенти Владимир Путин билан учрашиш истаги борлигини айтиб, шу мақсадда шу ойнинг охирида мазкур мамлакатга боришини маълум қилди.

● Кеҗа Эрон ва Ироқ Халқаро Қизил Ҳўқ Қўмитаси қўзғативи остида харбий асирларни ўзaro айирбослади.

● Кеҗа АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Исроил Бош вазири Е. Барак Яқин Шарқ масаласи бўйича музокаралар олиб боради.

● Туркияда давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Озарбайжонга келган Туркия Президенти Сулаймон Демиррўла Озарбайжон Фўқароси нишонини ва фўқаролик гувоҳномаси топширилди.

● Алматыда Қозғистоннинг собиқ Бош вазири А. Кажиелдиннинг собиқ уҳ нафар соқисчи устидан суд бошланди. Судланувчилар атайлаб ноқонуний тарзда қурол сақлаганликда айбланмоқдалар, бироқ улар ўз айбларини мулҳо рад этмоқдалар.

● Шимоллий Корея билан Япония ўртасида дипломатия муносабатларини тиклаш борасида икки мамлакат делегацияси ўтказган музокара кўтилган натижани бермади.

● Шу йилнинг июнь ойи ўрталарида Гўенянда Корея Меҳнат партиясининг Бош котиби Ким Чен Ир билан Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Чўннинг икки Кореяни бирлаштириш масалалари бўйича учрашиш тўрисида келишувга эришилганлиги тўғрисида шов-шўви хабар тарқатилди.

● Перуда бўлиб ўтган президентлик сайловларидан сўнг давлатнинг ҳўзирги раҳбари А. Фўхморининг ўзининг иккин рақибини Э. Толедондо бир фўиз ортда қолдирганлиги эълон қилинганидан сўнг Э. Толедондо тарафдорлари норозилик намойишлари билан кўчаларга чиқдилар. Улар сайлов натижаларига ноҳўлислик билан ёндошилганлигини таъкидламоқдалар.

● Кеҗа Финляндияда мамлакат иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири бўлган қўғоз саноати ходимлари иш ташладилар.

● АҚШ ва Буюк Британия харбий авиациясининг зарбаси натижасида Ироқ жанубида 14 киши ҳўлак бўлди, 19 киши жароҳатланди.

● Истанбулда Англиянинг «Лидс Юнайтед» фўтбол жамоасининг икки нафар ишқибози ўлим билан ақуланган воқеадан кейин 20 апрель кўни бўлиб ўтадиган «Ғалатасарой» — «Лидс Юнайтед» жамоаларининг иккинчи учрашувиди Туркия Англиядан туркларнинг хавфсизлигини таъминлашни сўради.

«ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон миллий чемпионатининг олтинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» марказий ўйингоҳида майдон ҳўзлари Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилди.

Очилини айтганда аввалги турдаги пахтакорчиларнинг ғалабаси ишқибозлар руҳини кўтариб юборгани рост. Шу сабабли бу сафар ҳам «Пахтакор»нинг ғалабасига гувоҳ бўлиш ниятида содиқ ишқибозлар ўйингоҳга ташриф буюришди. Шқвирин ҳамда Абдураимов каби моҳир ҳўжамчиларга эга бўлган жамоамиз бу сафар ҳам ғалабага эришди. Биринчи бўлимнинг 35-дақиқасида Азамат Абдураимов, иккинчи бўлимнинг 54-дақиқасида эса Шқвирин меҳмонлар дарвозасига гол уришди. Ҳисоб 2:0.

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар кайд этилди. «Сўғдиёна» — «Хоразм» 1:0, «Гулистон» — «Тўрон» 5:0, «Самўур» — «Трактор» 1:1, «Дўстлик» — «Навсар» 3:2, «Кимёгар» — «Сурхон» 1:1, «Темирйўлчи» — «Андижон» 1:1, «Самарқанд» — «Динамо» 1:1, «Бўҳоро» 4:2, «Зарафшон» — «Қизилқум» 2:0.

Ақбар Йўлдошев.

Кўрғазмалар

«СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — 2000»



КЕҗА

«Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш — 2000» 5-Тошкент халқаро кўрғазмаси ўз иштини бошлади. International trade ITE Group Pic фирмаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бевосита қўмағида ТПН-2000 ва «Тибмасуло» билан ҳамкорликда ана шу анжуман ташкилотчилари бўлдилар.

Бешинчи халқаро кўрғазма республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида илғор мамлакатлар билан ўзаро фойда-

ли ҳамкорлик қилиш йўлида олдинга қўйилган яна бир қадамдир. У соғлиқни сақлаш ходимларини, шифокорлар ва мутахассисларни амалий тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар, фармацевта санютидаги, тиббиёт техникасига оид янги технологиялар билан таништиришга даъват этилган.

Кўрғазмада Буюк Британия, Германия, Италия, Россия, Швейцария, Финляндия, Исроил сингари 50 дан зиёд етакчи хорижий ва дунёнинг турли мамлакатлари компаниялари илғор тиббиёт технологиялари соҳасида эришилган янги ютуқларни намойиш этмоқдалар. CARL ZEISS, KARL STORZ, TOSHIBA, SIMENS каби дунёга машҳур фирмалар шулар жумласидандир. Улар томонидан намойиш этилаётган экспозицияларда рентгенология ва ультратовушли диагностика, компьютер томографияси, лаборатория асбоб-ускуналари ва материаллар, жарроҳлик асбоб-анжомлари ва тизимлари, анестезиология ва реанимация, шошилиш тиббий ёрдам, кардиология, онкология, стоматология, эндокринология, пульмонология, психиатрияга кенг ўрин берилган. Илғор тиббиёт фани ва амалиёти томонидан яратилган барча янги ва зарур махсулотлар билан танишув кўрғазма-

ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар шунингдек юқори маҳалали мутахассислар — фирмалар вакилларининг тиббиёт махсулотини қўлланмиш масалалари бўйича маслаҳатларини тинглайдилар.


— Бизга айнан мана шундай ускуна зарур! — деган хитоблар эшитилди.

Ўз куч-ғайратларини юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга, касалликлар олдини олишга энг мақбул диагностика, юқори даражадаги янги технологияларни қўлланшга сафарбар этиётган республика шифокорлари учун катта аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда кўрғазмада намойиш этилаётган махсулотларнинг аксариятидан эртага улар ҳам фойдаланишлари мумкин. Ислохотларни рўёбга чиқаришнинг мақсадли дастурини амалга ошираётган республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги муаммоларни ҳал этишга янгиначасига ёндашиш йўлидан бормоқда.

Кўрғазма очилишида Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.

(Ўз мухбирига). СУРАТЛАРДА: «Соғлиқни сақлаш — 2000» халқаро кўрғазмасида.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Ватан ҳўмоясини — муқаддас бурч

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

Баҳор фаслининг фараҳбахши, уйғонинг, жолаанин кўнларида ўғлонларимиз Ватан хизматига отланишди. 10 апрель кўни ҳам Тошкент шаҳар чакирик пункти эрта тонгданок ўз йиғилиш бурчинини ўташга отланган бўлгуси посбонлар уларнинг ота-оналари билан гаўжум бўлди. Негаки улар баҳорги чакирикнинг дастлабки таббирисга тўпланишганди.

...Харбий оркестр салолари янграйди. Бўлгуси Ватан посбонлари чўқур ҳаяжон билан умрларида илк бор расмий тартибда саф тортган ҳўлда майдонга шах-

дам қадамлар билан кириб келишди.

Шаҳримизнинг барча туманларидан чакирилган, кўпчилиги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотиди ўқиб, ҳайдовчи, радиотелеграфчи, алоқачи касбларини пухта ўзлаштирган ўғлонларни Тошкент

шаҳар ҳўкимининг ўринбосарлари Эркин Эрнazarов, Фариди Абдурахимов, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи Сирожиддин Холиқназаров, истеъфодаги генерал Абдулла Ортиқбозов, Миробод туманидаги Ойбек маҳалласи фаоли Зўҳра Назарова, С. Раҳимов туманидан чакирилувчи Ойтураевлар қизгин кўтлашди. Улар онаюрт сарҳалларини қўриқлашга отланган ўғлонларга буюк соҳибқирон, тенгсиз саркарда Амир Темирнинг муносиб издошлари бўлиш, тарихимиз, миллий қадриятларимизни ўрганиб, руҳий озик олган ҳўлда хизматда муваффақият, соғлиқ-омонлик, ой бориб, омон қайтишни тилашди.

Сўнг барча чакирилувчиларга туманлар мудофаа бўлимлари томонидан ажратилган хизматда асқотадиган совғалар топширилди.

— Мен ҳам кўпчилик тенгдошларим қатори мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотиди тўрт ой давомида ўқиб, радиоалоқачисини мутахассислигини эгалладим, — деди биз билан суҳбатда Яққасарой туманидаги Қўшбеги маҳалласидан чакирилган Дилшод Толипов. — Ниятим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлса, Ўзимнинг бутун куч-маҳорату билимларини



Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: дастлабки чакирик чоғида. Сергей Любич олган суратлар.

Ихор

ОНА АЛЛА АЙТТАНДА...

Хайт кувончларнинг энг шукҳаси онада янги фарзанд дунёга келиши бўлса, ажабмас. Шундай инсонлар бўладики, улар Яратганининг илоҳи билан бир кутлуғ кунда ёруғ дунёга келадилар. Нодирабегим Ахмедова саводатли аёл. У пойтахтнинг Миробод тумани, 2-Ок бўла кўчаси, 7-уйда истиқомат қилади. Уч фарзанднинг онаси. Аслида аёла она бўлишига ўн бир ақиб саводат. Нодирабегим эя яна бир қарра шундай бахтга, яъни 2000 — Соғлом авлод йилининг нақ фуқаросини дунёга келтиришдек бахтга муяссар бўлди.

У 2000 йилнинг 1 январь кўни соат 00.01 дақиқада ўғил кўрди. Рамзиддин! Аёл ўғлонига эзгу истаклар билан шундай ном қўлди. Мен Нодирабегимнинг суҳбатини тингларканман, бейхитёр кўнглимда ахир Нодирабегим кенди. Чунки Нодирабегим ҳаётнинг ташвишларидан қўра кувончларини устун билиб яшайди.

— Нодирабегим, ўғлонингиз келажақда ким бўлишини хоҳлардингиз? Айтшади-ку, она алла айтаётганда боласининг уйлаганини тасаввур этади деб. Гудакнинг келажагини нигоҳидан илгаш мумкин экан. Сиз бунга нима дейсиз?

— Назаримда аёл алла айтаётганда дунёни эзгуликларга йўғириб, фақат ёруғ кўнларни тилаб қўшиб айтиди. Ҳа, аслида алла оналар қўшиғи-да. Гудак шу қўшиққа маст бўлиб ором олади. Башорат қилолмайману оналик ҳисси билан сезаман. Жажжи гудакимни нигоҳлари тийрақлигидан жиддий иш билан шуғулланидиган зиёли инсон бўлади, деб ўйлайман. Рамзиддин меннинг икки йилдан буён фарзанд доғида қўйган кўнглимга таскин бўлди. Икки йил бурун худди шу кўни бир ўғилчамиз оламдан ўтанди. Яратганининг марҳамати билан ўғлимиз бағримизга қайтгандек бўлди. Келгусида ким бўлса ҳам аввало ҳақиқий инсон, ота-онасига, элига содиқ одам бўлса бас.

Дароқе, Нодирабегим, ўғри айтиди. Аслида одамга элда азиз бўлишдан отлик сийлов борми? Она алла айтганда шундан бўлса керак, эл-юртни қўшиғига байтма-байт жойласа керак.

Саида БОНУ.



СУРАТДА: Нодирабегим ўғли Рамзиддин билан. Шавкат Акрамов олган сурат.

Ҳар тўғарида

АЁЛЛАР ОРОЛИ

Бавария тоғларида катта қўл бор. Шу кўндаги оролчада дунёни тарқ этган аёллар эрибди.

Эракларга эса бу ерга келиш ман этилган. У ерга бормоқчи бўлган эрак енига албатта бирор хотинни эргаштириб бориши зарур.

ШАМШИРИ

ЎТКИР

Денгиз ва океанларда бўйи 4-5 метр, оғирлиги ярим тонна келадиган шамшир балиқ учрайди.

Бу баҳайбат балиқ соатиға 130 километр тезликда сузади. У ниҳоятда йирткич бўлиб, ҳатто катта пароходларга ҳам ҳужум қилади ва шамшири билан кема бортини тешиб юборади.

Шоира МУҲАМЕДОВА тўплади.



Шанба, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Муқим бўстони». Телевизор-нах.
9.10 «Хидоят сари».
9.35 «Кайғусиз кувонч бўлмас». Мультифильм.
9.45 «Ўзбек спортининг нуфузи». Телевизион миниатюралар тасвир.

10.35 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.55 Қўва тумани «Анор» ансамблининг концерти.

11.25 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.00 «Оналар мактаби».
12.20 Волейбол бўйича олий табақа жамоалари Ўзбекистон чемпионати.

12.45 «Мозийдан бир мўъжиза».
13.00 Тохир Малик. «Шайтанат». Кўп серияли бадий фильм. 11-қисм.

14.10 Болалар учун. «Кувонч шарҳи».

14.40 Дўстлик видеоанали: 1. Мехрангез. 2. Жетиген.
15.00 «Наво таралсин». Мусикий дастур.

15.25 Ўғун. «Парвона». Ҳамза номидиган Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.
17.30 «Санаёт гўнаҳлари».
17.50 «Сехри шўъла». Киноқўрсатув.

18.10 «Ифтихор».
18.35 «Бир жўрт қўшиқ».
18.45 «Ташаббус — 2000». Кўрик тавлов.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзбекистон.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталаври.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».

21.05 «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
22.05 Тохир Малик. «Шайтанат». Кўп-серияли бадий фильм премьераси. 12-қисм.

22.30 «Барахот сиймлар». Ф. Мамадалиев.
00.00 «Ахборот».

«Тўғи ёғду». Дам олиш дастури.
00.30 «Беназир». Бадий фильм. 1-қисм.

1.40-1.45 Ватан тимсоллари.

ЎТБ II

8.00 «Давр тонги».
9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 «Янги авлод». «Спорт майдончаси», мультифильм.
9.40 «Жаҳон жўрғофияси». «Окалан».

10.30 «Балажоним — жигарбандим».
10.45 «Мусикий лаҳзалар».

10.50 «Ракурс».
11.10 Валижон Қодиров кўйлайди.
11.30 «Ўзбекистон телеаналида: Ринг кўрпалари».

12.30 «Мусикий лаҳзалар».
12.40 «Доктор Финли» Телевизион.
13.30 «Қишлоқдаги тенгшосим».
13.55 «Мени тушун...» Телевизион.

14.25 «Ўзбекистон канотлари».
14.40 «Тарона-2000» тақдироти.
15.00 «Бегийм».

15.20 Моцарт. 20-концерт фортепиано ва оркестр учун ремионир. Салистка — Республика таллови лауреати Гулзамо Фуломова.
15.50 «Сир».

16.10 «Ешлар» телеаналида спорт: Теннис.
17.15 «Мусикий лаҳзалар».

17.15 «Янги авлод». «Катта танлафус».

17.50 «Ер ишқи». Мусикий дастур.
18.05 «Дилбарим».

18.30 «Матбуот».
18.40 «Ешлар навалари». Виллят. Ёш хонадалари кўйлайди.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».

19.35 «Бизнинг академия».
19.55, 20.05, 20.30 Ўзбекистон.
20.00 «Ешлар» телеанали намоиш этиди «Ўғрини ушла». Телевизион.

20.50 «Экспонат».
21.10 «Қўтирмаган меҳмон».

21.30 «Соғлом авлод». Видеоанали.
21.55 «Каталон».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусикий лаҳзалар».

«ОЙНАИ МАҚОМ» ДА

22.40 «Кўнгли кўнглига пайванд».
23.15 Синема. «Ромео ва Жульетта».
0.15 «Хайри тўн!».

ЎТБ III

8.50 «Соғлом бўла десангиз».
9.00 «Тонгги пойтахт».

9.50 Балажонлар экрани. «Блейк стар». Мультифильм. 3-қисм.
10.10 «Билиб қўйган яхши».

10.20 Болалар учун. «Умидлар қанотлари».

10.35 «Бу кўнглидир, бу кўнгли».
11.05 «Сен ҳақиқда ва сен учун».

11.35 «Дўстлик» видеоанали. «Немис шарҳи», «Саҳий хонадондир».

12.20 Телегазета «Экспресс».
12.40-13.45 Кинонигоҳ. «Бобби».

13.55 «Ўғун».

17.30 «Эхтиром ила...».

17.50 «Самогга йўл». Болалар учун фильм.

18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ (рус тилида).

19.50, 19.50 «Табриклиймиз, кут-лаимиз».

19.30 Телегазета «Экспресс».

20.30 «Оилавий марра».

20.50 Мусикий танлафус».

21.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.

21.20 ТВда сериал: «Ит уяси». 11, 12-қисмлар.

22.05 Телегазета «Экспресс».

22.25 Кинонигоҳ. «Қароқчилар».

00.10 «Хайри тўн, шаҳрим!».

«ЖАКАРО» ТЕЛЕКАНАЛА

9.00 Кўрсатувлар тартиби.

9.05 «Азобига ҳамма учун».

9.25 «Сурур». Мусикий дастур.

9.45 «Инглиз тили Сиз учун».

10.10 «Дурдағлар».

10.30 «Ташриф».

10.45 «СНН-шоу».

11.00 «Биргаликда кўйлаймиз».

11.45 «Салом, мен сизнинг хонадонимдан».

12.40 «Мусикий лаҳзалар».

13.25-13.55 «Немис тили».

17.30 Кўрсатувлар тартиби.

17.35 «Бинафша».

17.50 «Дил изхори».

18.15 Экранда комедия. Том Ханс «Шамолда уган пуллар» фильмида.

20.00 «Время».

20.40 «7 дан 70 га».

21.10 «Британия қўндалиги».

21.30 «Дил изхори».

22.30 Киноматограф. Мира Сорви-на «Бир боқишда» фильмида.

00.30 «Ахборот» (рус тилида).

00.55 «Тунингиз ошуда бўлсин!».

Якшанба, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.00 Ҳаёзх виллоят хонадаларининг концерти.

9.35 «Ўзбектелефилми» намоиши: «Тошкент фавварлари».

9.45 «Ҳаройот».

«Умид» намоиш этиди:
10.00 «Ватанга хизмат қилган».

11.00 «Умид сафарда».

11.45 «Эл тинчилиги ўйлади».

12.10 «Шоқрух», клуби.

12.40 «Муштарак оҳанглар». Мусикий дастур.

13.00 Тохир Малик. «Шайтанат». Кўп серияли бадий фильм. 12-қисм.

14.20 «Келин-кув».

«Спорт» дастури:
15.15 1. Таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати.

15.30 2. Волейбол бўйича олий табақа жамоалари Ўзбекистон чемпионати.

15.55 «Кувонч стартлар». Телему-собака.

16.35 «Қалб гавҳари».

16.55 «Миттёвойлар оиласи». Киноқўрсатув.

17.15 «Ташаббус — 2000». Кўрик-тавллов.

18.15 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.

18.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

18.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.

19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ўзбекистон.

19.30 «Тахилнома» (рус тилида)

20.05 «Санаёт олами».

20.30 «Тахилнома».

21.15 «Оталар сузи — ақлнинг қўзи».

22.15 «Якшанба оқшомида». Мусикий-дам олиш дастури.

22.55 «ТВ-1 намоиш этиди: Теле-анонс».

«Асп мўъжизаси» кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.

23.25 «Ўзбек киноси ижодкорла-ри».

23.45 «Беназир». Бадий фильм. 2-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

ЎТБ IV

8.00 «Давр тонги».

9.00 Кўрсатувлар дастури.

9.05 «Янги авлод». «Катта танлафус».

9.40 «Бизнинг доктор». 6-қўрсатув.

«Сотуви ва ҳаридор».

10.10 «Мусикий лаҳзалар».

10.20 «Ешлар овози».

10.40 «Мусикий лаҳзалар».

10.55 «Мусикий лаҳзалар».

11.05 «Ўғрини ушла». Телевизион.

11.50 «Лаззат».

12.10 «Экспонат».

12.15 «Ирода Искандарова кўйлайди».

12.35 «Бир пиёла чой устида».

12.55 «Цирк, цирк, цирк».

13.15 «Мадду майдон».

13.35 «Мусикий лаҳзалар».

13.40 «Ешлар» телеаналида: «Спорт-2000».

14.30 «Азизим».

15.05 «Ешлар кўйлайди».

15.20 «Эркин фикр».

15.50 «Мусикий лаҳзалар».

16.00 «Ешлар» телеаналида: «Спорт-2000».

16.50 «Мусикий лаҳзалар».

17.00 «Янги авлод». «Уй вази-фаси».

«Аралаш-қулаш». Телевизион.

17.55 «Мусикий лаҳзалар».

18.10 «Хавл».

18.30 «Олам футбол».

18.50 «Сурур». Мусикий дастур.

19.00 «Қишанбада қўришгунча».

19.20, 20.10, 21.50 Ўзбекистон.

19.25 «Ўғрини ушла». Телевизион.

20.15 «О, ёшлигим».

20.35 «Шамчирок».

20.50 «Эстрада оҳанглари».

21.00 «Давр». Ҳафталик шарҳ.

21.40 «Мусикий лаҳзалар».

21.55 «Ешлар» телеаналида: пре-мьера. «Ишонч заволи». Бадий фильм.

23.25 «Дирижабль».

23.45 «Хайри тўн!».

ЎТБ V

8.50 «Соғлом бўла десангиз».

9.00 «Тонгги пойтахт».

9.45 Болалар экрани. «Блейк стар». Мультифильм. 4-қисм (яқун-ловчи).

10.05 «Билиб қўйган яхши» (так-рор).

10.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

10.35 «Тўртин ҳақида».

11.05 «Кинони севасизми?».

11.35 «Биз ва болалар».

12.00 Телегазета «Экспресс».

12.20-13.35 Кинонигоҳ. «Бобби».

2-қисм.

17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 Мультифильм.

17.40 «Дурдағ».

18.00 «Эхтиром ила...».

18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ (рус тилида).

18.50 «Давр». Ҳафталик шарҳ.

19.50, 19.50 «Табриклиймиз, кут-лаимиз